

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### **ИМИЧБ га қарашли ер майдонларидағи етиштирилған ғалла ҳосилини үриш ва йиғиб олиш бүйича хизмат күрсатиши**

1. Ишларни бажаришдан мақсад – ИМИЧБ қарашли Тошкент вилояти, Охангарон ва Пискент туманиндағи ер майдонларидағи етиштирилған ғалла ҳосилини қиска муддатларда сифатли үриш ва йүқотишиларсиз йиғиб олиш.
2. Ижрочи 600,0 гектар ер майдонидаги ғалла ҳосилини бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқарылған йили 5 йилдан кўп бўлмаган, мукаммал соз ҳолатдаги камида 2 дона, ўрим унумдорлиги юқори бўлган, дон үриш комбайн ёрдамида, узлуксиз режалаштирилған 20 кун ичida ўриб тугатиши лозим.
3. Бўғдой ҳосилини үриш ва йиғиб олиш даврида буғдой поясини ер сатхидан 10 см баландликдан ошмаган холда үрилиши ва сомон махсулотини йиғиб олиш имконини берувчи дон үриш комбайнини бўлиши шарт.
4. Ижрочи билан шартнома тузиш даврида Буюртмачининг (ИМИЧБ) тегишли мутахасислари томонидан дон үриш комбайнларининг техник созлиги ва ўримга тайёргарлиги ўрганиб чиқилади.
5. Ижрочи бўғдой ҳосилини үриш ва йиғиб олиш ишларини жорий йилнинг 10-15 июнь кунлари бошлаши шарт.
6. Ижрочи дон үриш комбайнларини буюртмачининг дала майдонигача транспортировка харажатларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
7. Ижрочи үриш ва йиғиб олиш хизматини кўрсатишида комбайн бошқарувчилари билан боғлиқ харажатларни, яъни операторларнинг яшashi, уларни озиқ овқат билан таъминлаш, тиббий хизматларни ва бошқаларни ўз ҳисобидан амалга оширади.
8. Ижрочи хизмат кўрсатиши жараёнида комбайнларнинг соз ҳолатда бўлиши билан боғлиқ мажбуриятларни, жумладан, эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш хамда таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
9. Дон үриш комбайнлари бузилган тақдирда, ижрочи қуидаги кўрсатилган вақт ичida созлаши шарт:
  - 9.1. Шиналари ёрилган холда таъмирлаш учун 3 соат.
  - 9.2. Юриш қисми (ходовой част) таъмирлаш учун 6 соат.
  - 9.3. Комбайн үриш қисми (Жатка), ременлари ва бошқалар учун 10 соат.
  - 9.4. Таъмирлаш ишларига 1 кундан ортиқ вақт талаб этилса ижрочи қўшимча дон үриш комбайнни билан таъминлаш талаб этилади.
- 10.Ижрочи дон үриш комбайнини буғдой ҳосилини үриш ва йиғиб олиш учун сарф қилинадиган дизель ёқилғиси билан меъёр даражасида (ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган кўрсаткич билан) таъминлашни ўз зиммасига олади.
- 11.Ижрочи техник топшириқда кўрсатилган талабларни шартнома тузилгандан сўнг бажармаганда шартномада кўрсатилган умумий суммани 50% миқдорда жаримага тортилади.

